


Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 5099,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 105,6 фоизга тенг бўлди.


Январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд.сўм		ўсиш суръати, %
	2016 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	3849,3	4466,8	105,7
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3849,3	4466,8	105,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	530,3	632,6	104,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3849,3	4466,8	105,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	647,7	739,8	105,3
	1373,7	1590,9	104,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)			
саноат	876,2	1003,6	102,2
қурилиш	497,5	587,3	108,8
Хизматлар	1827,9	2136,1	106,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	441,5	537,3	110,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	500,4	545,4	104,4
бошқа хизматлари	886,0	1053,4	106,3

Январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):
2016 йил



2017 йил



Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (110,3%), қурилиш (108,8%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (105,3%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 59,7 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-июнга нисбатан 59,5 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 47,8 фоиз (2016 йил январь-июнда 47,5 фоиз)ни ташкил қилди.